



Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Молдова» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Ингилишда «Ўзбекистон — Молдова» дўстлик жамиятини тузиш билан

Ҳамкорлик

Дўстлик Ришталари

боғлиқ бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган

ижобий ишлар хусусида фикр юритдилар.

«Ўзбекистон — Молдова» жамияти раиси этиб Ўзбекистон озиқ-овқат саноат давлат ассоциацияси раиси Абдор Қосимхўжаев сайланди.

Тадбирда Молдованинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор эдчиси Николай Осмокеску иштирок этди.

Моҳира КАРИМОВА.

Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент бўлими Абулқосим мадрасаси биносига жойлашган. Жамғарма халқимизнинг бой меросини ўрганиш, авайлаб-асраш, ноёб намуналарини тиклаш, тарғиб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 сентябрдаги «Олтин мерос» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорини бажара бориб, жамғарманинг республика бошқармаси билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширмоқда.

ПОЙТАХТНИ ЯШНАТАЁТГАНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Касб байрамимизнинг Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида нишонланаётгани ҳам жуда қувонарлидир. Чунки қурувчиларимиз Истиклол байрамига ҳар йили ўзига хос совға ҳозирлайди. Бу йил ҳам байрамни жуда кўп-кўп муҳим бунёдкорлик ишларини ниҳоялаган ҳолда қўтиб оламиз. Жумладан, байрам арафасида «Нур» маҳалла маркази, Турсунқулов кўчасида жарроҳлик корпуси, Ҳасанбой мавзесидаги мактаб, Матбуотчилар ҳамда Сайилгоҳ кўчаларидаги бинолар, Бобур номидаги боғ, М. Горький номидаги рус академик-драм театрининг янги таъмирланган биноси, Янгиобод мавзесида гузар ва бошқа кўп-кўп иншоотларни топширамоқда. Шунингдек, сифат ишмида бош мезон эканлигини ҳар бир қурувчи яхши билади.

Корпорациямиз хорижий ҳамкорлар билан ишлашни ҳам яхши йўлга қўймоқда. Айниқса, Франция, Англия, Югославия, Туркия давлатлари билан алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Чехия билан биргаликдаги «АВТАШ», Англия давлати билан тузилган «Курилишсервис», 2-тажриба-металл заводи, Исроил мамлаката билан ташкил топган «Курилиштехника» кўшма корхоналаримизда сифатли ҳамда импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари бунёдкорларимиз оғирини енгил қилмоқда.


Йил охиригача қиладиган ишларимиз жудаям кўп. Буни кун сайин, соат сайин янги-янги иншоотлар билан бойтаётган ва ёшарётган пойтахтимиздаги ҳар қадамда ўчрайдиган бунёдкорлик юмушларидан ҳам пайқаса бўлади. Айниқса, «4-трест», «Сифат», «159-трест», «Тошчэтэлқурилиш», «Турон», «12-трест» ҳиссадорлик жамиятлари жорий йилда кўп-кўп ишларни ниҳоясига етказдилар. Булар қаторига «Уриқзор» даҳасидаги автомат-телефон станцияси, Божхона қўмитаси биноси, «Илғор» маҳалла маркази, Тошкент вилоят марказий банки, Давлат архив бинолари, бошқа кўп-кўп қурилишларни киритиш мумкин.

Касб байрамларини бунёдкорлик ишларини баракали адо этиб қўтиб олаётган қурувчиларимиз Оила йили вазибаларини ҳам муваффақият билан бажариб, пойтахтимиз чиройини очишда фидойиллик кўрсатавердилар.

Сўхбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.



ҚУРУВЧИЛАР КУНИГА



ЯНА БИТТАГА КЎПАЯДИ

Ҳамза тумани худудий тиббиёт бирлашмасига қарашли 4 та оилавий шифохона, 2 та тиббиёт санитария қисми, 2 та тиш даволаш поликлиникаси, 2 та диспансер ва 2 та болалар юқумли касалликлар шифохонаси мавжуд. Бундан ташқари туман худудидан 4 та республика даволаш профилактика муассасалари: 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти, травматология ва ортопедия илмий-тектириш институти, темир йўллари шифохонаси, 2 та шахар даволаш муассасалари, шахар болалар даволаш ва ташхис қўйиш маркази, 1-хўжалик ҳисобидаги тиш даволаш шифохоналари жой олган. Яқин кунларда буларнинг сони яна биттага кўпаяди.

— Агар инсон саломатлиги рисоладагидек бўлмаса, унга на иш, на ўқиш, на уйинкулги ёқди. Шунинг учун ҳам «Соғ танда — соғлом ақл» деб беҳиз айтишмаган, — дейди худудий тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Шавкат Алиев. — Тиббиёт ходимлари 216 мингдан ошқ аҳолидан ташқари туман худудидан жой олган ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчиларига ҳам хизмат қилишади. Сўнги вақтда асосий эътиборни амбулатор-поликлиника хизмати оширишга қаратганмиз. Шунингдек ҳар бир туғилган ва туғилиш арафасидаги бола ва онанинг саломатлигини назоратта олиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Болаларга бўлган эътиборимизни янада кучайтириб, яқин кунлар ичида бир вақтинг ўзида 250 беморга хизмат кўрсата оладиган янги болалар поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Бу поликлиника аҳолиси жиҳатидан кўпчилиги ташкил этадиган Янгиобод даҳасидан жой олади. Поликлиника «Тошсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 4-қурилиш бошқармаси қурмоқда.

Гулчехра ДОЛИМОВА.

БОЛАЖОНЛАР ҚУВНАШАДИ

Юртимизда ҳар йилгидек Мустақиллигимизнинг ташкил топган кўни олдида бир қанча қошоналар, иншоотлар, билим масканлари қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Ана шулардан бири Ҳамза туманидаги сузиш ҳавзасидир. Бу сузиш ҳавзасида болаларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари учун ҳамма имкониятлар бўлади. Шунингдек, бу ерда халқаро миқёсдаги мусобақалар ҳам ўтказилади.

— Аввалги қурган сув ҳавзаларимиздан бунисида бироз фарқ бор, — дейди «159-трест» акционерлик жамиятига қарашли 8-қурилиш бошқармаси иш юритувчиси Элмурод Тўраев. — Бу ҳавза халқаро андозалар даражасида бўлиб, фақат ҳавза эмас, балки унинг ёнида 2 та теннис кортлари ҳам бор. Айни вақтда иш жуда авжида. Бир сменада 40 дан ошқ қурувчи ишламоқда. Айниқса, «Ал-Темир» кўшма корхонаси тайёрлаган эшик-роллар жуда кўркамлик бахш этади.

— Туманимиздаги ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди спорт бўлими бошлиғи Илҳомжон Ақромов. — Сабаби шу кунгача биз 5 та йирик соғломлаштириш марказидан, 6 та футбол стадионидан, 2 та футбол клубидан кенг фойдаланиб, турли хил мусобақаларда юртимиз донгини жаҳонга таратаймиз. Мисол учун Туркияда бўлиб ўтган каратэчиларнинг халқаро кичик жаҳон чемпионати — «Боскор-98» мусобақасида юртимиздан 36 та команда иштирок этди. Туманимизда қатнашган олти спортчи намунали ва совринли ўринларни эгаллашди. Яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган сув ҳавзаси ва теннис кортларида ёшларимиз шугулланиб, янги-янги зафарларни қўлга киритишга деган умиддамиз.

Гулнора ДАМИНОВА.

ЕТАКЧИНИНГ ҲИССАСИ

Комил Қодиров ўз жамоасига топширилган масъулиятли вазифа адо этилганида, ҳар доим мамнун қиёфада бригада аъзоларига «Сизларга раҳмат, йигитлар», дея миннатдорчилик билдириб қўяди ва ҳар бир қурувчининг меҳнатини алоҳида таъкидлайди.

Чиндан ҳам қурувчилик энг керакли касблардан бири эканлигини барча тан олса керак. Комил Қодиров ҳам бу касбга меҳр қўйиб ҳам бўлмади. Ҳар бир қурувчининг ўз хунари бўлади. Бунёдкорлик ишларини амалга оширишда уларнинг барчасининг ўз ўрни бор. Комил улардан энг масъулиятлиси — гишт терувчилик хунарини пухта эгаллаганлардан. У бир неча йилдирки, 4-қурилиш трести ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилади. Гишт терувчилик бригадасини бошқараётган бу моҳир бунёдкор ҳозирда «Узўйжойжамғармабанк» буюртмасига кўра пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида қурилаётган уйларида меҳнат қилмоқда. Яқин кунларда,

яъни Оила йили охиригача 400 га яқин хонадон улар бунёд этаётган уйлари калитларини қўлга оладилар.

— Мен касбимни жуда қадрлайман, — дейди тажрибали гишт терувчи, — шу сабабли ҳам ўз вазифамни сидқидилдан бажараман, тўғриси дилдан меҳнат қиламан. Бригадирман деб ҳеч қачон қараб турмайман. Энг мураккаб жараёнларни амалга оширишга, ёш ҳамкасбларимга кўмаклашишга ҳаракат қиламан.

Ҳақиқатан ҳам Комил Қодиров ёшларга ҳаммаша ҳамкор, уларнинг самарали ишларига қамарбаста, касбнинг энг номзод сирларини уларга эринмай ўргатади.

Ҳадемай бу туманда янги мавзе қад ростлайди.

Пойтахтимизга кўрк бўлиб тушаётган уй-жойларнинг фойдаланишга топширилишида касб байрамларини ёруғ юз билан қаршилаётган Комил Қодиров бригадасининг ҳам муносиб улуши бўлади.

Шоҳида БОБОЕВА.



ЁРУҒЛИК НИШОНАСИ

Оила йилида Госпиталь даҳасида қад ростлаётган турар-жой бинолари ўзининг замонавий ва шарқона кўриниши, миллий меъморчилик анъаналарини мўжассам эта олганлиги билан кўп-кўп хонадон эгаларини кўнунд этмоқда.

асосида бунёд этилаётган уйларида қурилиш-тиклаш ишлари кизгин давом этмоқда. Яқинда «Сифат» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан фойдаланишга топширилган 29-ханда 31-уйларда ҳовли тўйлари нишонланаётган бўлса, «Узўйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 1-капитал қурилиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан қад кўтарилган 26-ва 33-уйларда иш маромида олиб борилмоқда. 80 хонадонга мўлжалланган 9 қаватли 26-ханда 48 хонадонни ўз бағрига олувчи 12 қаватли 33-уйларда қурувчилар айни вақтда ишни 3 сменада ташкил этганлар.

Бунёдкорлик ишларини олиб бораётган 50 дан зиёд қурувчи-тикловчи, гишт терувчи, пайвандчи ва пардозловчилар бир мақсад йўлида — уйлари шу йил охиригача фойдаланишга топшириш ниятида меҳнат қиладиганлиги ўзига хос самара бермоқда.

— Уйлар пойдеворини шу йилнинг май ойида тиклади, — дейди ишбоши Тоҳир Имомалиев. — Қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилишига эришяётганимиз ишимиз самарасини таъминламоқда. Қўли гул қурувчиларимиз жуда кўп. Айниқса, Иван Похолович ҳамда Николай Плохий сингари илгорларимиз етакчилик қиладиган бригада аъзолари ҳар бир дақиқанинг қадрига етишади. Шу сабабли бўлса керак уйлари кун сайин кўкка буй чўзмоқда.

Даҳада жорий йилда 10 дан зиёд кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши жадал суратларда олиб борилаётган. Айниқса, «Узўйжойжамғармабанк» буюртмаси



Уз касб байрамларини алоҳида қад қўриб олишга уларнинг қўли қурувчилик ишларида меҳнат қилиши, жуда кўп-кўп хонадон сохиблари оралигини ушатириш мақсадида тўр тўмоқдалар. Хонадонларга нур таралади, уларнинг юзлари ҳам ёруғ бўлади. Буғунги баракали меҳнат ана шу ёруғлиқнинг нишонасидир.

Шарофат БАХРОМОВА.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Иван Похолович ҳар бир ишда етакчи; ишбоши Тоҳир Имомалиев ҳайдончи Азим Тулагановга курсатма бермоқда.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Тошкент шаҳар ҳокимининг жамғарма шаҳар бўлимини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорига асосан «Ёдгорлик» жамияти шаҳар бўлимининг барча мол-мулки, жумладан Абулқосим мадрасаси ва Юнусобод Оқтепалари жамғарма шаҳар бўлими тасарруфига ўтган эди. Жамғарма ўз фаолиятини атрафи қурилиш ишларидан зарарланган ана шу мадрасани таъмирлаш ишларидан бошлади. Бу ишлар халқимизнинг қадимий анъанавий ҳашар йўли билан бажарилди.

— Дунёда ўзининг қадим хунар мактаблари, мил-

Жамғармалар

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

лий-хунармандчилик санъати эга бўлган халқлар унчалик кўп эмас. Не бахтки, биз ана шундай нодир санъати билан дунёга танилган халқимиз, — дейди мазкур жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раиси Абдулазиз Муҳаммадқаримов. — Миллий хунармандчилик тарихи халқимиз тарихи каби кўкна ва бойдир. Вақтнинг шафқатсиз чиғиригидан неки бизга етиб келган бўлса, буларнинг барчасини сақлаш, тақомиллаштириш, йўқ бўлиб кетганларини топиш, тиклаш бизнинг заммаимиздир. Зероки, бизнинг вазифамиз фақат ёдгорлик деворларига эмас, балки унинг ортидаги ҳаёти ҳам тиклаш ва келгуси авлодга етказишдир. Жамғармамиз қошида хунармандчилик мактаби ташкил этилиб, хунармандчиликнинг барча соҳадаги усталари: ганч ва ёғоч ўймакорлари, наққош ва мусаввирлар, заргар ва мисгарлар, сандиқчилар истеъдодли ёшларга ўз хунарларини ўргатмоқдалар.

Республикамиз мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан БМТ, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, чет эл элчихоналари, мусаввир бирлашмалари билан ҳамкорликда хунармандчиликни янада ривожлантириш ҳамда унинг ташқи савдосини йўлга қўйиш мақсадида халқ хунармандларининг кўрик-кўргазмаси бўлиб ўтди.

Бу ерга хорижий сайёҳлар билан бир қаторда республика болалар сайёҳлик маркази томонидан республикамиз мактаб ўқитувчилари ҳам тез-тез ташриф буюрадилар, хунармандларнинг ишлаш жараёнини ҳайрат ва иштиёқ билан томоша қиладилар. Бу ерда ўқиган ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий ижоди ва ҳаёти билан бирга мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар ҳақида маърузалар эшитадилар.

Бугунги кунда мадраса ҳовлисида республика ва миқёсдаги ижодий учрашувлар, кечалар, халқ сайиллари, халқ бахшиларининг кўрик-танловлари, фольклор ва этнографик ансамблларининг чиқишлари мунтазам ўтказилмоқда.

Маълумки, шахримизда бармоқ билан санарли археология ёдгорликлари қолган. Чилонзор Оқтепаси, Шош тепа, Нозир тепа, Юнусобод Оқтепаси шулар жумласидандир. Бизнинг асосий мақсадимиз бу обидаларни тарихий музей — қўриқхонага айлантириш, йўқолиб бораётган буюм ва меҳнат қуролларини излаб топиб ўзига хос ажойибхона яратиш.

Жамғармамиз томонидан Ўзбекистон радио ва телевидениеси билан ҳамкорликда жамғарма томонидан олиб борилаётган ишлар, шахримиз ўтмишига оид суҳбатлар ўтказилди. Абулқосим мадрасаси ҳақида махсус телевизион фильм яратилди. Шунингдек, мадраса ҳақида Халқаро аёллар қўмитасининг Тошкент гуруҳи билан биргаликда тайёрланган китобча нашрдан чиқарилди.

Оқоридиғи вазибаларни янада кенгрок ва батафсилроқ ёритиш мақсадида жамғарманинг республика ташкилотли билан ҳамкорликда «Энг яхши ва суррункали мақолалар учун» махсус танлов эълон қилинди.

Биз кўкна Тошкент билан унинг маданияти ва ажойиб ўтмиши билан фахрланамиз. Унинг республика ва маҳаллий аҳамиятга молик икки юздан ортиқ меъморчилик ёдгорликлари бор. Уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш бизнинг виждон ишимиздир.

Маъмура РЎЗИЕВА.

Акс сабо

«ОНА ЮРТИМ ОМОН БЎЛСИН»

Мен Марғилон шахрида истикомат қиламан. Шундай бўлса-да, «Тошкент оқшоми» газетасининг ҳар бир сонини ўқини асло қанда қилмайман.

Газетанинг шу йил 17 июль сонидан чоп этилган хорижий ватандошимиз Насрулло Тўра билан қилинган «Она юртим омон бўлсин» сарлавҳали мақолани ҳаяжон билан ўқидим. Суҳбат муаллифи Муқимхон Абдуллаеванинг берган саволларига Насрулло Тўранинг қайтарган ҳар бир жавобларини ўқиб, бу ватандошларимизнинг саҳоватига, қўрсатаётган ғам-ғамига тасаннолар айтдим. Дарҳақиқат, бизнинг бундай ватандошларимиз истиқлолни жуда ҳам орзиқиб қуттишган эди. Мана шундай улуг кунларга етганимизга шукр. Мен чин дилдан уларга қарата «Хуш келибсизлар, азиз ватандошлар, сизларнинг Ўзбекистон

тўпроғига қўйган қадамларингизга ҳасанот, қўйган изларингиздан гуллар, бог-роғлар унсин, барокотли бўлсин», деб айтман. Яна мени лол қолдирадиган жойи шуки, шунча вақт уларнинг ҳорижда яшаб, ўз миллийликларини унутмаганликлари. Бу нарса ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Газетанинг шу сониданги яна бир мақола — «Ўрганган кўнги, ўртанса қўймас» мақоласи муаллифи Исломо Усмоновга ҳам чин дилдан миннатдорчилик изҳор этман. Шундай муаллифларнинг қаламлари янада ўткир, ёзганлари бундан ҳам сермазун бўлаверсин.

Ҳамидуллохон ЮСУПОВ.

Ўзбекистонда энгил сан-нотни ривожлантиришга қаратилган технологик жараёнларни кенг йўлга қўйиш борасида кўрилатган техник тадбирлар яхши самаралар бераётгани кўпчиликлари яхши маълум. Айниқса, пахта, ипак толарини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштиришга жиддий аҳамият бериб келинмоқда.

Бу хил хом ашёларнинг чиқит-сиз технологиясини яратиш халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Янги тайёрланган бундай қурилмалардан

бири Швейцариядаги «Ритер» фирмаси томонидан юқори баҳо олди. Бунда, шубҳасиз, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат инс-

Шу илмий изланишларни амал-га оширишда олий ўқув юрти олимлари Япониядаги «Койсоки», Германиядаги «Соссона» фирма-

лаштириш мақсадида олий ўқув юрти олимлари қатор хорижий мамлакатларга бориб, илмий чиқишлар қилдилар. Куба ва Мўғулистонга қилинган илмий сафарлар ҳам самарали бўлди.

Институт ректори, профессор Ҳалима Алимова эса Сичуан энгил саноат ва кимёвий технологиялар институтида олиб борган давра суҳбати ҳам мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу йирик олий ўқув юрти ўзбек олимасининг чиқитсиз технологиялари тўғрисидаги маърузаларини юқори баҳолаб, унга шу институтнинг фахрий профессори деган унвон берди.

Ақбар АЛИЕВ.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

титути олимларининг муносиб улушлари бор. Хусусан, табиий ипакни қайта ишлаш технологияси билан боғлиқ илмий ишланмалар диққатга сазовор. Эндилқда бундай истикболли техник ижодкорлик ишлари хорижий мамлакатларда ҳам ижобий маънода эътироф қилинмоқда.

Фан

Ўзбекистон халқ артисти, моҳир доирачи уста Олим Комилов яшаган маҳаллада яна бир етук созанда етишиб чиқиши қувонарли ҳол.

— Мен ёшлигимдан Уста Олим каби, қолаверса Қахрамон Дадаев сингари доирачи бўлишни ният қилар эдим. — Кейинчалик миллий созларимиздан карнай-сурнай созларига қизиқиб уни чалишни ҳам ўргандим, — дейди Абдурасул Фуломов. Халқимизда яхши ният, ишонч, эътиқод каби улғувор орзулари бор инсон, албатта ўйлаган мақсадларига етади, деган нақл бор. Дарҳақиқат, бугунги кунда Абдурасул ака ният қилган барча эзгуликлар мустаҳаб бўлди, десак муболага бўлмас. У республика миқёсидаги барча тантанали маросимларда ўзи бошчилик қилаётган «Ўзбекнаво» концерт бирлашмасига карнай-сурнайчилар гуруҳи билан хизмат қилса, халқнинг яхши кунларида ҳам доимо камарбаста.

— Абдурасул ака, карнай-сурнай, ногора бу бизнинг қадимий созларимиздан. Шу созлар ҳақида нималарни биласиз?

— Карнай, сурнай, ногора; доира бу миллий музика асбобларидан ҳисоб-

ланади. Момохон онамининг даврларига сурнай билан жон кирган, сурнай чалинганда одам яйрайди, мириқиб дам олади.

— Карнайнинг келиб чиқиш таърифи ҳақида нима дея оласиз?

дан бери қизиққансиз? — Сизни кўлга олганимга анча вақт бўлди. Доира ва карнайнинг садолари менга маъқул тушиб шунга қизикдим.

— Ҳамма созлардан кўра карнай сизини ча-

Абдурасул ака ўта бахтли инсон. Улар рафиқалари Фотима Иброҳимова билан 9 фарзанд — беш ўғил, тўрт қизни тарбиялаб, ҳозирга кунда уларнинг ҳаммасини уйли-жойли қилиб, фарзандлар ардоғида

Санъат

ЯХШИ КУНЛАРДА КАМАРБАСТА

Республикамизда пиру бадавлат оилалар жуда кўп. Шулардан бири Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Уста Олим кўчасида истиқомат қилувчи созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурасул Фуломов хонадонидир.



яшашмоқда.

— Фотима опа, сизнинг оилангизда турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз санъат соҳасида хизмат қилишар экан. Санъат соҳасидаги одамларни табиатан инжиқ деб айтишади. Уларнинг кўнглига қараб, эл-юрт хизматидаги одамлар бўлишгани учун бошқа касб эгаларига қараганда кечроқ қайтиши бор. Шунақа ҳолатларда умуман,

— Карнай Осиё археология қазилмалари топилмаларидан мавжуддир. Абу Али ибн Синонинг асарларида ҳам карнай ҳақида маълумотлар бор. Араб тилидаги асарларда карнай буғ деб аталган. Ўрта аср охирида Мовароуннаҳрда карнай атамаси ишлатила бошланди. Алломалардан Абу Носир Форобийнинг асарларида ҳам карнай тўғрисида маълумотлар бор.

— Сиз шу созга қачон-

лиш қийин дейишади, унинг қийин тарафлари нимада?

— Карнай сизини чалиш учун биринчи навбатда инсон соғлом, бақувват бўлиши керак. Шундагина меъёрига етказиб чалиши мумкин. Чалганда одамларга манзур бўладиган бўлиши керак...

Маълумки, оила бошлигининг бирон ютуққа эришиши, бахтли ёки бахтсиз бўлиши кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Шу маънода



Мулоҳаза

«НУРОНИЙ» — КЕКСАЛАРГА ҲАМРОҲ


Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли «Нуроний» оромгоҳи Юнусобод туманининг энг чиройли қурилган биноларидан бирига ўрнашган. Оромгоҳ атрофлари мевали дарахтлар, гуллар билан ўралган.

Нуроний отахон-онахонларимизга мароқли дам олиб ўтиришлари учун оромгоҳ атрофларида барча қўлайликлар яратилиб қўйилган. Шунингдек, кутубхона ҳам ишлайди, шахмат-шашка ўйинлари учун алоҳида хона ажратилган.

«Нуроний» оромгоҳида физиотерапия ва ток билан даволаш бўлими мавжуд. Шулардан: дарсенвал, УВЧ, ультраток, ультратовуш, магнитотерапия, электромассаж, электрофарез, амплипульс, парафин билан даволаш жизматлари кенг йўлга қўйилган.


Бирок оромгоҳ раҳбариятига алоқаси бўлмаган масалаларни ҳал қилишда айрим тегишли ташкилот раҳбарларининг ёрдамлари кераклигини кўрсатиб ўтишга тўғри келади. Биринчидан, 19-даҳа бекати «Нуроний» оромгоҳига кириш дарвозаси олдида кўчирилиши керак. Чунки оралиги узоқ бўлгани сабаб дам олишга келаётганлар азият чеқмоқдалар. Иккинчидан, оромгоҳда вақтибевақт чирок ўчиб қолмоқда. Ошхонадаги хизматлар асосан электр қуввати билан тайёрланади. Юқоридаги камчилик туфайли овқатлар тайёрлашда, қийинчиликларга дуч келинмоқда. Уйлайманки, бу муаммолар ўз ечимини топади.

Асқар ХУСАНОВ.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика урология маркази кунига 300 дан зиёд буйрак хасталигига чалинган беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда ўз касбининг фидойилари бўлган шифокорлар ишлайди. Шулардан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор Фарход Оқиловдир (юқоридаги суратда); Пастдаги суратда эса эндоуролог бўлими мудири Фурқат Носиров ва аспирант Даврон Иброҳимовлар акс этган.

Рашид Галиев олган суратлар.



Бош муҳаррир Уринбосари Солиқ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»

экспорт-импорт миллий сугурта компанияси

ОИЛА ЙИЛИДА

хусусий ёндашув, арзон нарх, чегирма ва имтиёزلарни олиш имкониятини ўзидан ажратиб берган жисмоний шахсларнинг манфаатларини сугурталаш бўйича жаҳон андозаларига жавоб берувчи янги кенг дастурни тақдим этади.

ДАСТУРДА:

Ҳаётни бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш
Сиз эҳтиж ва имкониятингизга кўра, хусусий ёки оилавий сугурта дастури бўйича 50 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган миқдордаги сугурта таъминотини танлашингиз мумкин.

Шахсий мулкни барча қалтисликлардан сугурталаш

Куйидаги қалтисликлар бўйича сугурта қопламасини назарда тутади:


- ёнғин
- ички сантехник системаларнинг бузилиши
- ўғирлик
- табиий офатлар
- учинчи шахслар олдидаги фуқаролик масъулияти.

Автосугурталаш

Сугурта полиси Сизга куйидаги ҳодисалар келтирган зарарни қоплашга кафолат беради:

- йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида автомашинага етган зарар;
- ҳайдовчи ёки йўловчилар билан бахтсиз воқеа содир бўлиши;
- учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига етказилган зарарни қоплаш зоруряти.

Сугурта ҳимояси хотиржамлик кафолатидир!



Кучлилар билан бирга бўлинг!

«Ўзбекинвест» ЗИМСК бош офиси Тошкент ш. Х. Сулаймонова кўч. 49 уй. Тел. (371) 133-05-56, 136-77-79. Факс. (3712) 40-65-36, (371) 133-07-04

«Ўзбекинвест» ЗИМСК Бош Андеррайтерлик Агентлиги Тошкент ш. 700040, 4-Лисунов мав. 68 уй. Тел. (3712) 94-09-09, 94-25-25, Факс. (3712) 97-78-77

Газетхонлик

ЎЗМАСМАН

Дили қора кимсаларга ашъор Ўзмасман, Сочсалар ҳам бошимдан зар шихор Ўзмасман. Булоқнинг суви янглиғ тозадур газал, Бўлса ҳам кўзга жаҳон тангу тор Ўзмасман. Газалдир қалбим баёни унда умрим аёни, Шу сабаб ёмон сўзи бир бор Ўзмасман. Боқиб унга кўрарсиз Муродийнинг ўзини, Ҳақдин ўзгани асло эътиҳ қарор Ўзмасман.

БҒЛУР

Нафсини қул қилганлар султон бўлур, Шукроналик ҳамда сабр иймон бўлур. Яхшилик қилгучисан, қил ўйламай, Ким билар яна қачон имкон бўлур. Бир оғиз қаттиқ сўзингни сўзлама, Эртага дилинг ёниб, армон бўлур. Дилқушлар суҳбатини орзу айла. Суҳбати соз жисминг аро бил, жон бўлур. Муродий муруватга дил боғлади, Яхшиларга ҳар лаҳзада қурбон бўлур.

ЭҶИДИМ

Ҳаюл меҳнатим ила ҳар қачон зафар этдим, Демасман тўғри сўздан мен зарар этдим. Оқилу доно билан кечди қирқк йилим, Оқилу доно сўзин сийму зар этдим. Тер тўжиб топдим, насиба ризқу рўз, Нок эрмас экан, ул луқмадин ҳазар этдим. Ота-она, фарзанда меҳримни ёр айлаб, Алар меҳридан узоқ умримда самар этдим. Яхшилик умрингни билсанг сероб этгуси, Яхшилик бўласин Мурод, мухтасар этдим.


Тўхтамурод ФАЙЗУЛЛО.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ ТИББИЁТ НАШРИЁТИ соғлиқни сақлаш соҳасига доир ўқув ва оммабоп адабиётларни чоп этувчи Ўзбекистондаги ягона нашриётдир. **Ташкилот ва фирма раҳбарлари!** Саломатлигингизни мустаҳкамлаш учун ЭНГ фойдали, ЭНГ зарур китобларни ЭНГ арзон баҳоларда харид қилмоқчи бўлсангиз, нашриётимизга тезда мурожаат қилинг. **Нашриёт:** — илмий-оммабоп рисоаларини — плакат ва буклетларни — тиббиёт муассасалари тарихи ва фаолиятини оид буюртма адабиётларини — дорн-дармонлар рекламасини (китоблар ички муқовасида) қабул қилади ҳамда тез ва сифатли нашр қилинишини ўз зиммасига олади. «АБУ АЛИ ИБН СИНО» — ЭНГ ишончли дўст ва ҳамкордир! **Манзил:** 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қavat, 39-хона. **Телефонлар:** (3712) 144-51-72, 144-33-81.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОВИ АБОНЕНТАРИ ДИҚҚАТГА!

Кабель ишотларини таъмирлаш бўйича режадаги ишлар бажарилиши муносабати билан **1998 йилнинг 10 августидан 18 августигача** «Галабанинг 40 йиллиги» даҳасидаги 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 17, 52-уйларда истиқомат қилувчи 96-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди. **Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссадорлик жамияти.**



Бизнинг манзилимиз:

ХУСУСИЙ ФИРМА ТУРЛИ ҲАЖМДАГИ РЕКЛАМАЛАРИНИ БУЮРТМА БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАЙДИ.

ҚУЧИЛАЙМИЗ!
Ойишжон, сизни 50 ёшингиз билан табриқлаймиз, узоқ умр кўринг, соғ-саломат бўлинг.

Болаларингиз: ЗИЁВИДДИН, ЗУҲРА, АЗИЗ.

- Ошишингиз ва соғлигингизни яхшилашингиз мумкин. Тел: 63-33-73.
- Болалар саломатлиги муаммоларини ҳал қиласиз. Тел: 63-33-73.

«Тошшаҳарюктранс» концерни жамоаси 2502-автожамланма бошлиғи **Тайириш Косимович МАҲАМАТШИКОВНИНГ** бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

«Тошшаҳарюктранс» концернининг 2502-автожамланма жамоаси 2502-автожамланма бошлиғи **Тайириш Косимович МАҲАМАТШИКОВНИНГ** бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

«Оқшом»

ДУШАНБА, 10

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.25 «Ахборот»
8.40 «Ушбу Бадий-публицистик курсатув...

12.35-14.00 Х. Рауфов «Муҳаббат султони...
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Отин тоза» Телевизион уйи.

18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзбекистон...

21.00 «Отин мароси»
21.10 «Таттар» Телевизион уйи.
22.00 «Бур ва мусулман»

22.05 «Ғаройиб одам» Бадий фильм.
23.40-24.00 «Ахборот (рус тилида)»

СЕШАНБА, 11

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ЧОРШАНБА, 12

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ПАЙШАНБА, 13

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ЖУМА, 14

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ШАНБА, 15

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ЯКШАНБА, 16

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ДУШАНБА, 10

8.30 «Кенаси ётиб ўйла, арғалаб туриб ойна»
15.50 «Хит-парад»

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

СЕШАНБА, 11

8.30 «Кенаси ётиб ўйла, арғалаб туриб ойна»
15.50 «Хит-парад»

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ЧОРШАНБА, 12

8.30 «Кенаси ётиб ўйла, арғалаб туриб ойна»
15.50 «Хит-парад»

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ПАЙШАНБА, 13

8.30 «Кенаси ётиб ўйла, арғалаб туриб ойна»
15.50 «Хит-парад»

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бурга ола қўзғин»
18.25 «Хособин билгалар»

18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Дарачи» Телевизион уйи.
18.15 «Бригитто» Мультфильм.

19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»
20.30 «Ахборот»

21.30 «Пойтахт» Публицистик курсатув.
19.55 «Очун»
20.15 «Иккилар тарҳи»

ДУШАНБА, 10

Соат 15.00 га қадар линияда профилактика.
15.05, 18.00, 21.00, 02.20 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

30-КЕЧКА

17.30 «Шаддодлар ва гузалар» Телевизион уйи.
18.20 «Элен ва болалар» Телевизион уйи.

ШАНБА, 15

8.05 «Киношоҳна»
9.00, 13.50, 18.00, 21.00, 01.50 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

СЕШАНБА, 11

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.35 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ПАЙШАНБА, 13

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.10 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ЧОРШАНБА, 12

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.35 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

СЕШАНБА, 11

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.35 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ЧОРШАНБА, 12

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.15 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ЯКШАНБА, 16

8.05 «Киношоҳна»
9.00, 13.50, 18.00, 21.00, 01.50 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

СЕШАНБА, 11

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.35 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ЧОРШАНБА, 12

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.15 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ЖУМА, 14

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.40 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ЧОРШАНБА, 12

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.15 — «ТВ-хамкор» «Метеохабар».

ДУШАНБА, 10

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ШАНБА, 15

7.00 Елена Цицлакова ва Зинови Герт «Одам Ато Момо Хаво»

ДУШАНБА, 10

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

15.15 «Нагилзорлар даъвати»
15.40 «Орзуларимиз оғушида»

ШАНБА, 15

7.00 Елена Цицлакова ва Зинови Герт «Одам Ато Момо Хаво»

СЕШАНБА, 11

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ЧОРШАНБА, 12

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ЯКШАНБА, 16

7.00 Елена Цицлакова ва Зинови Герт «Одам Ато Момо Хаво»

СЕШАНБА, 11

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ЧОРШАНБА, 12

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ЖУМА, 14

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ЧОРШАНБА, 12

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ЧОРШАНБА, 12

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

ЖУМА, 14

5.00 «Хайри тонг»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгилыклар.

«Оқшом»

Тошкони Оқшоми
Маассис: ТОШКОН ШАХАР ХОКАМИ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Телефонлар: 133-29-70, 133-28-95, 132-11-39, факс (3712) 133-29-09

Рўйхатдан ўтти тартиби: №10, Буюртма G-0237, Ҳажми — 2 босма табоқ оғсет усқидор тисқиди. Қўғоз бичими А2, Босмага тошпирин вақти 1:30. 1 2 3 4 5 6. Шаҳар нашрият матбаа-қонғери босмақониси. Қорқона мағани: «Буюк Турро» кўчаси, 41-уй.